БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 202 (17.484). • 2 сентябрь 1979 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ — УММУМХАЛҚ ИШИ

ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми тарихий қарорлари бутун мамлакатимиз экономикаси қатори Ўзбекистон халқ хўжалигида ҳам чуқур из қолдирди. Республикамиз меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини жадал ривожлантириб, унинг самарадорлигини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган талабини қондириш, шу тариқа совет халқи турмуши фаровонлигини муттасил юксалтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган XIV пленуми республикада партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш тадбирлари муваффақиятли амалга оширилаётганлигини, пахтачиликни, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда яхши натижаларга эришилаётганлигини зўр қониқиш ва чуқур мамнуният билан қайд этди. Пленум иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида»ги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида эришилган ютуқларни чуқур таҳлил этдилар, ишдаги камчилик ва нуқсонларни рўй-рост очиб ташлаб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини белгилаб олдилар.

Қўлга киритган муваффақиятларимиз ҳақиқатан ҳам салмоқли бўлиб, булар республика меҳнат аҳлининг партия ташкилотлари етакчилигида бунёдкорлик ишларини зўр матонат билан амалга ошираётганликларидан далолат бериб турибди. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида республикамизда қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотини етиштириш плани 102,8 процент бажарилиб, олдинги беш йиллик даражасидан 20 процент ўзиб кетилди. Шу вақт мобайнида давлатга 16,5 миллион тонна пахта, 2,8 миллион тонна дон, 5,5 миллион тонна мева, сабзавот ва кўп миқдорда бошқа маҳсулотлар сотилди, социал масалалар муваффақиятли ҳал этилди. Натижада қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги ошди.

Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг чорвачилик маҳсулотларини республиканинг ўзида етиштириш ҳисобига аҳолининг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажара бориб, чорвачиликни юксалтириш борасида ибратли ишларни қилмоқда. Бу муҳим тармоқни ривожлантиришда катта силжишларга эришилди. Уч йил мобайнида колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштириш йилига ўрта ҳисобда тўққизинчи беш йилликка нисбатан 22 процент, сут — 31 процент, тухум — 51 процент кўпайди. Чорва ва парранданинг ҳамма турлари кўпайиб, маҳсулдорлиги ошди. Шу вақт ичида ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш республика бўйича ўрта ҳисобда 271 килограмм кўпайиб, ўтган йили 2183 килограммни ташкил этди, гўштга топшириладиган қорамолнинг ўртача вазни 387 килограммга, ҳар бир товуқдан олинадиган тухум 157 донага етди.

Социалистик экономикамизнинг юксалиш суръатлари ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари республикамиз меҳнаткашлари олдига янги, янада улуғвор вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ана шу вазифалардан келиб чиқиб ҳамда маҳаллий органларнинг таклифлари асосида ўн биринчи беш йилликда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан муҳим тадбирларни ишлаб чиқдилар. Шунга кўра, 1981—1985 йилларда пахта, дон, мева, сабзавот ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари ялпи ҳосилини янада кўпайтириш билан айни бир вақтда гўшт етиштиришни барча хўжаликларда 1985 йилга бориб 740 минг тоннага етказиш ёки 1978 йилда эришилган даражадан 43 процент кўпайтириш, сут етиштириши 2,9 миллион тоннага етказиш ёки 45 процентдан зиёд кўпайтириш, тухум етиштиришни 2 миллиард 680 миллион донага етказиш ёки ўтган йили эришилган даражадан икки баравар ошириш кўзда тутилди.

Ушбу тадбирлар КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати, шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежнев томонидан юксак баҳоланди. Унинг таклифига биноан партия ва ҳукумат республикамизда чорвачиликни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият бериб, «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорга биноан, пахтачиликни ривожлантириш билан бирга чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш, 110 минг бош қорамол боқиб семиртирадиган чорвачилик комплекслари, 82,5 миллионта парранда боқиладиган ва гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган паррандачилик фабрикалари, 594 минг бош чўчқа боқиб семиртирадиган комплекслар, 67,4 минг бош сигир боқиладиган ва сут етиштирадиган комплекслар ҳамда механизациялашган фермалар, 3,3 миллион дона тухум берадиган паррандачилик фабрикалари, 50 мингта товуқ боқиладиган наслдор паррандачилик заводлари ва 2,1 миллионта товуқ боқиладиган наслдор парранда жўжалари етиштирадиган фабрикалар ишга туширилиши кўзда тутилган.

Чорвачиликни тубдан юксалтириш тадбирларини амалга оширишга 1 миллиард 100 миллион сўмлик давлат капитал маблағлари ажратилдики, бу — кейинги йигирма йил мобайнида чорвачиликка сарфланган маблағ миқдорига тенгдир. Омухта ем ва ун-ёрма саноатининг янги корхоналарини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишга ҳам катта маблағлар ажратилди. Бунинг натижасида республика Тайёрлаш министрлиги корхоналарининг қуввати қариб икки ҳисса ортади. Шунингдек, чорвачиликни жадал ривожлантиришга қаратилган бошқа йирик тадбирлар ҳам амалга оширилади. Жумладан, келгуси беш йилликда ярим миллион гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилиб, экинзорга айлантирилади. Бу эса экинлар структурасини яхшилаб, пахта-беда алмашлаб экишни тўлатўкис ўзлаштириш, суғориладиган майдонларда озуқа ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш имкониятини беради.

Кўриниб турибдики, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга молик бўлган ҳужжат бўлиб, унда энг муҳим, энг зарур проблемаларимизни ҳал этиш тадбирлари белгилаб берилган.

Олдимизда ўз кўлами ва миқёси жиҳатидан ниҳоятда улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни ҳал этиш ҳар биримиздан юксак уюшқоқликни, омилкорликни, илғор тажриба ва фан ютуқларидан моҳирона фойдаланишни талаб этади.

Хўш, нима учун чорвачиликни шундай жадал ривожлантириш зарурияти кун тартибига кескин масала қилиб қўйилди, деган савол туғилиши табиийдир. Маълумки, халқ фаровонлигининг тобора ўсиб бораётганлиги, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ошиб бораётганлиги туфайли шу муаммолар келиб чиқмоқда. Агар 1940 йилда республикада аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш ўрта ҳисобда 12-15 килограмм бўлган бўлса, олтмишинчи йилларда бу рақам 20—25 килограммга етди. Ҳозир республика аҳолиси сони 1940 йилга нисбатан 2,2 баравар ортгани ҳолда гўшт истеъмол қилиш 28—30 килограммга етди. Лекин бу рақам ҳам бизни қондирмайди. Келгуси беш йилликнинг охирига бориб аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилишни 41 килограммга етказиш вазифаси турибди. 1985 йилга бориб қўй ва эчкилар туёғи 10 миллион бошга етказилиши керак. Бунинг учун ҳар йили уларнинг туёғи 6-7 процент кўпайиб боришини таъминлашимиз зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми чорвачиликнинг моддий-техника базасини жадал кучайтириш тадбирларини белгилади. Бунинг учун ҳар йили чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикаларини қуришда хозиргига нисбатан бир ярим-икки баравар кўп маблағ ўзлаштирилиши керак. Холбуки, бу соҳадаги ишлар кўнгилдагидек бормаяпти. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида паррандачилик фабрикалари қурилишига капитал маблағ сарфлаш плани ўрта ҳисобда 85 процентдан бажарилмоқда. Вазифа — чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан Тошкент области, Қува, Самарқанд, Бувайда ва бошқа районларнинг партия ташкилотлари тўплаган бой тажрибани ҳамманинг мулкига айлантиришдан иборат.

Чорвачиликда коммунистларнинг катта армияси иш олиб бормоқда. Улар КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг қарорини изчил амалга оширишда бош-қош бўлишлари, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун курашувчиларнинг олдинги сафларида боришлари лозим. Область ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари чорвачиликни юксалтириш соҳасидаги амалий фаолиятларида юксак натижаларга эришиш учун социалистик мусобақани ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари зарур. Бунда донгдор чорвадорлар ва илғор хўжаликларнинг тажрибасини умумлаштириш ва ёйишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Мамлакат пахтачилигининг байроқдорлари бўлган республикамиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини, айниқса, чорвачиликни жадал ривожлантиришда партия XXV съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини изчил амалга ошира бориб, мамлакат экономикасини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишларига шак-шубҳа йўқ!

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

«СУТ ФАБРИКА»ЛАРИ

БОҒДОД районидаги Жданов номли ва «Ленинград» колхозларида ҳар бири бир йилда 500 тоннадан кўпроқ сут етиштириш қувватига эга бўлган иккита «сут фабрикаси» ишга тушди. Бу фабрикаларда барча сермеҳнат жараёнлар тўла-тўкис механизациялаштирилган. Фермалар ярим ром конструкциялардан ва йиғма-темир-бетондан қурилган.

Йил бошидан буён «Облколхозстрой» трестининг коллективи Фарғона областидаги колхоз ва совхозларда 15 та сут-товар фермасини қуриб берди. Йил охиригача бу фермаларга яна тўққиз «сут фабрикаси» қўшилади.

РЕЗЕРВЛАР АСОСИДА

ТОШКЕНТ область Коммунистик районидаги «Паркент» совхозининг чорвадорлари гўштга топшириладиган қўйларнинг энг юқори вазнига эришдилар, қўйлар вазни 52 килограммга етди. Бу муваффақиятларга яйловларда боқилаётган қўйларни концентрациялар билан боқиш туфайли эришилди. Хўжалик меҳнаткашлари давлатга гўшт топшириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳозирдаёқ ошириб бажардилар.

Совхозда барча ички резервлар ишга солинди. Бу резервлар чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ёрдам бермоқда. Аҳолининг шахсий хўжаликларидаги мол ва паррандаларни боқиб семиртириш — ана шундай резервлардан биридир. Чунончи, совхоз 40 мингта жўжа сотиб олиб, уларни ишчи ва хизматчиларга тарқатди. Ҳозирнинг ўзидаёқ шахсий «фермалар» 15 тонна парҳез гўшти етиштирди.

ЯНГИ ОТАРЛАР

СУРХОНДАРЁ областидаги Гагарин номли наслчилик заводида шу йилнинг баҳорида олинган қўзилардан янги отарлар тузиш тугалланди. Мавжуд отарларга 22 та янги отар, жумладан яқинда хўжалик ҳовлилари яратган оқ ва пушти ранг жунли қўйлардан иборат отарлар қўшилди.

Гагарин номли наслчилик заводи республикада рангли қоракўл тери етиштираётган энг йирик шундай заводлардан биридир. Ҳозир бу ерда оқ рангдан тортиб то қора антрацид ранггача бўлган йигирма бир рангли тери олинмоқда. Шу йилнинг ўзидагина давлатга 24 мингта тери топширилди. Бу терилар мўйна бозорида юқори баҳога сазовор бўлди.

Хўжаликда қўйларнинг янги зот ва турларини етиштириш ишлари давом эттирилмоқда. Яқинда архар билан кулранг қоракўл қўйларни дурагайлаш йўли билан олинган янги зот тасдиқлаш учун тақдим этилди. (ЎзТАГ).



Самарқанд область Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Мамян Егоров бошлиқ бригада маккажўхорикорлари ҳар гектар ердан 110 центнердан дон олишга аҳд қилишган. Чапдаги суратда: бригада далаларида маккажўхори ўрими пайти.

Қашқадарё область Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхознинг азамат деҳқонлари далаларда мўл-кўл ҳосил тўпламоқдалар. Хўжаликнинг Раим Абдиев бошлиқ бригада заршунослари 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Ўнгдаги суратда: бригада бошлиғи Р. Абдиев.

К. Турсунов ва А. Тўраев фотолари.

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

ўртоқ Тон Дик ТХАНга

Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари

ўртоқ Ле ЗУАНга

Вьетнам Социалистик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси

ўртоқ Чионг ТИНга

Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукуматининг Бош министри

ўртоқ Фам Ван ДОНГга

Азиз ўртоқлар!

Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрами муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, барча совет кишилари номидан ва шахсан ўз номимиздан сизга, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ВСР Миллат мажлисининг доимий комитетига, ҳукуматига ва қардош Вьетнам халқига қизғин салом ва энг самимий қутловларимизни йўллаймиз.

34 йил муқаддам Август революцияси ғалаба қозонганлиги ва Жануби-Шарқий Осиёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг ташкил этилганлиги Вьетнам миллатининг кўп асрлик тарихида янги даврни очиб берган жуда катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Вьетнам халқи ўтган йиллар мобайнида шонли Вьетнам Коммунистик партияси раҳбарлигида, қардош социалистик мамлакатларнинг ва бутун дунёдаги ўз дўстларининг беғараз ёрдамига таяниб, мустамлакачиларга, империалистик агрессорларга ва уларнинг гумашталарига қарши курашда жуда катта ғалабага эришди, ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Жаҳон Вьетнамнинг жасоратини ва бу курашда у берган қурбонларни ҳамиша ёдда тутади. Вьетнам халқи бугунги кунда ҳам барча қийинчиликларни бартараф қилиб, Вьетнам коммунистлари қаҳрамонона партиясининг IV съезди ўртага қўйган муҳим вазифаларни ҳал қилиш йўлида комил ишонч билан олға бормоқда.

Вьетнам халқи тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм ишига актив ҳисса қўшаётганлиги, ВСРнинг ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлиб кирганлиги халқаро майдонда Вьетнам позициялари ва обрў-эътиборининг янада мустаҳкамланишига ёрдам берди. Бутун дунёдаги тараққийпарвар кишилар Вьетнамнинг принципиал сиёсатини тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар. Вьетнам Пекининг буюк давлатчилик, экспансиячилик муддаоларига ва кўпол тазйиқига, империалистик кучларнинг кирдикорларига муносиб зарба бермоқда, ўзининг миллий ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилмоқда, Лаос ва Кампучия қардош халқлари билан қалин ҳамкорлиқ муносабатларини ва ўзаро ёрдамни мустаҳкамламоқда, Жануби-Шарқий Осиёдаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Биз КПСС билан ВКП, СССР билан ВСР ўртасидаги қардошларча бирдамлик ва самарали ҳамжиҳатлик, муносабатлари марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосида муттасил ривожланиб бораётганлигини чуқур мамнуният билан таъкидлаймиз. Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида имзоланган Шартнома ана шу муносабатларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди, халқларимизнинг тинч бунёдкорлик меҳнати манфаатларига, мамлакатларимизда социалистик ва коммунистик қурилиш манфаатларига самарали хизмат қилмоқда. Совет коммунистлари, барча совет кишилари анъанавий Совет — Вьетнам дўстлигини бундан буён ҳам тинимсиз мустаҳкамлайверадилар, социализм қуриш учун курашда, ўз мустақиллиги ва миллий суверенитетини ҳимоя қилишда қаҳрамон Вьетнам халқига ёрдам бериб, уни қўллаб-қувватлайверадилар.

Қардош Вьетнамнинг миллий байрами кунида сизга, азиз ўртоқлар, бутун мард ва меҳнатсевар Вьетнам халқига ўз Ватанини мустаҳкамлашда янгидан-янги катта ғалабалар тилаймиз.

Совет халқи билан Вьетнам халқи ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча бирдамлик мустаҳкамланиб, гуллаб яшнайверсин!

Л. БРЕЖНЕВ. А. КОСИГИН.

БАЙРАМ ОЛДИДАН

Мамлакатни яқин йиллар ичида ёқилғи билан таъминлашда нефть ва газ ҳал қилувчи роль ўйнайди. Беш йилликда нефть қазиб чиқариш (газ конденсати билан қўшиб ҳисобланда) 620—640 миллион тоннагача, газ қазиб чиқариш 400—435 миллиард кубометргача ортиши керак.

Нефть ва газ саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кунига бағишланган тантанали мажлисда сўзга чиққан кишилар бу топширикни яхшироқ бажариш йўллари тўғрисида гапирдилар. Мажлис 31 август куни Москвада бўлиб ўтди.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Э. Димшиц, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, социалистик мусобақа илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари ўтиришдилар.

Газ саноати министри С. А. Оруджев доклад қилди.

(ТАСС).

Илғор сут соғувчилар ҳақида ҳикоя қиламиз

МУНАВВАР КАСБ ЭГАСИ

САМАРҚАНД РАЙОНИДАГИ «МОСКВА» КОЛХОЗИНИНГ ОПЕРАТОРИ РАҲИМА СУЛТОНОВА СИГИРЛАРДАН 500 ТОННА СУТ СОҒИБ ОЛИШ ҲАҚИДАГИ МАЖБУРИЯТИНИ ЯҚИН ФУРСАТЛАРДА БАЖАРАДИ

Самарқандликлар Раҳима Султоновани меҳнатсевар инсон сифатида яхши биладилар. Энди унинг шуҳрати рекордчи сут соғувчи сифатида ҳам кенг ёйилди. Ҳа, Раҳима ўз боқимидаги сигирлардан 500 тонна сут соғиб олиш учун кунларни тунларга улаб меҳнат қиляпти.

— Раҳима Султонова менинг садоқатли шогирдларимдан бири, — дейди Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» экспериментал базасининг оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная, — у эришаётган ютуқлардан чексиз мамнунман. Пахтачиликда ҳосилнинг чегараси йўқ дейдилар. Чорвачиликда ҳам шундай. Сигирлар зоотехника қоидалари асосида парваришланса, озуқа базаси мустаҳкам бўлса, чорвадорлар сигирлардан доимо кўп ва серқаймоқ сут соғиб олишлари мумкин. Гап меҳнатни илмий асосда ташкил қилишга боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш масаласини кун тартибига қўйди. Шу асосда ҳамма жойда чорвадорлар мусобақаси кучайтирилянти. Мусобақада шогирдим Раҳима Султонова байроқдорлик қилаётганидан фахрланаман.

Раҳима севимли касбини шарафлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлаяпти, ички резервларни юксак маҳсуриятларини муддатидан илгари бажариш манфаатларига хизмат қилдиряпти. Раҳимага 100 бош сигир бириктилган. Шу кунгача ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 500 литр кўпайтирилди. Бугина эмас, сигирлардан бузоқ олиш, уларни наслга қолдириш, гунажинлардан сигирлар етиштириш топшириқларини ҳам ошириб бажаряпти.

— Қайси ишга меҳр қўйсанг, ўшанга ҳавасинг ортади, — дейди Раҳима Султонова. — Мен чорвадорлик касбини танладим. Унинг қийин, машаққатли йўлларини ҳалол меҳнат билан енгиб ўтдим. Боқимимдаги ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлигини йилига 700—800 литр кўпайтирдим. Бу йил ҳар бир сигирдан 5 минг литрдан сут соғиб оламан. Колхозимиз правленияси ва партия ташкилоти чорвадорларимизга ҳар томондан катта ёрдам беряпти, чорва моллари учун етарли озуқа жамгариляпти, оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар машиналар гарданига ортиляпти. Турмушимиз ҳам тобора яхшиланиб бораяпти. Бундан руҳланган сут соғувчиларимиз, молбоқарларимиз, ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари кечаги рекордни бугун нормага айлантириш, эртага янги рекордларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилишяпти. Меҳнат бор жойда, сўзсиз ғалаба бўлади.

Раҳима билан бир сафда туриб жонбозлик билан меҳнат қилаётган Кимё Самиева, Бибиражаб Узоқова, Фариза Узоқова, Аширбиби Жумаева ва бошқа соғувчилар ҳам меҳнатда янги ғалабаларга эришмоқдалар. Хўжаликда сут етиштиришни кўпайтириш, ишни намунали ташкил этишда ферма мудири Тоир Раббимов, бош зоотехник Учқун Усмоновларнинг хизмати катта бўлаётир. Ҳар бош сигирнинг ҳолати, озуқага бўлган талаби, маҳсулдорлиги тўла ҳисобга олиб борилади, зарур топилганда озуқа рационига ўзгаришлар киритилади. Сигирлар, бузоқларга зоотехника ёрдами кўрсатиш ҳам яхши ташкил этилган.

Ирмоқлар бирлашиб дарёлар ҳосил қилганидек, Раҳима Султонова ва бошқа моҳир соғувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли колхоз ҳозирдаёқ 880 тонна сут тайёрлаш планининг 786 тоннасини бажариб қўйди, яқин фурсатда ғалаба рапортига имзо чекилади.

Колхознинг Раҳима Султонова ва бошқа азамат сут соғувчиларига юксак социалистик мажбуриятларини тезроқ бажаришларида омад тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ОМСК МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ КОЛЛЕКТИВИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда муваффақиятли равишда ўтган ҳамда кўп миллатли совет музика санъатини пропаганда қилишда ва республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнаган гастроллари муносабати билан Омск музикали комедия театрининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1979 йил 31 август
Тошкент шаҳри.

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев бугун Андижон ва Фарғона областларидаги совхоз ва колхозларга борди. У экинларнинг аҳволи ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарликнинг бориши билан танишди. М. С. Горбачев Андижон область, Ленин районидаги «Правда Востока», Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозларининг пахтазорларида, шунингдек яқинда очилган ва қишлоқ учун кадрлар тайёрлайдиган Қува қишлоқ хўжалик-техника билим юртида бўлди. У колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари билан суҳбатлашди.

Областлар партия комитетлари бюросининг аъзолари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари билан суҳбатлар бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини амалий рўёбга чиқариш билан, пахта, ғалла, гўшт ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йилликнинг тўртинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИШИМИЗНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

КОЛЛЕКТИВНИНГ ЮРАГИ

Партия қуйи звеносида — бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группаларида ўтган йили бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари билан бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўртасида роса бир йил ўтди. Бу муддат ичида уларнинг фаолияти қандай янги тажрибалар билан бойиди? Қуйи звенони мустаҳкамлаш учун раҳбар партия органлари қандай тадбирларни амалга оширди? Меҳнат коллективларининг ҳаётида бу ташкилотлар қандай роль ўйнамоқдалар?

Генерал Собир Раҳимов номли колхозда коммунистларнинг йиғилиши бормоқда эди. Колхоз правленисининг раиси, район партия комитетининг аъзоси Қўчқор Латиповнинг район партия комитетининг гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш учун курашда партия ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинган пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги доклади тингланди. Коммунистлар бирин-кетин сўз олиб, жамоат чорвачилигини юксалтириш соҳасида эришилаётган ютуқларни талабчанлик билан чуқур таҳлил қилар, ишдаги камчиликларни бартараф этишнинг имкониятлари хусусида фикр юритишарди.

Улар масалани ишнинг муваффақияти учун жонкуярлик билан муҳокама қилишаётганлигининг сабаблари бор эди. Райком пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларини бажара бориб, партия ташкилотлари ўтган муддат давомида амалга оширган тадбирларнинг якунларини принципиаллик билан муҳокама қилди. Қўлга киритилган ютуқлар таъкидланган ҳолда чорва туғёини кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида бир қатор хўжаликларда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди. Чунончи, С. Раҳимов номли колхозда тухум ишлаб чиқариш, парранда бош сонини кўпайтиришга етарли эътибор берилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга бу хўжаликда қўйчиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам кўнгилдагидек бажарилмаганлиги ташвиш туғдирмоқда эди. Кейинги пайтларда колхозда озуқа тайёрлаш цехини ишга тушириш хусусида кўп ган юритилганлиги билан бу масалага ҳам етарли эътибор берилмади. Партия комитети ана шу вазифаларни амалга оширишда етарли жанговарлик кўрсата олмади. Коммунистларнинг, мутахассисларнинг авангардлигини кучайтиришга зарур даражада эътибор берилмади.

— Натижада чорва фермасида молларнинг касалланиши ҳоллари содир бўлмоқда, — дейишди партия йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар. — Еш бузоқлар чиқим бўлмоқда. 13 бузоқбоқардан фақат уч кишигина ўз боқимидаги бузоқларнинг бир меъёрда семиришига эришаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Маккажўхори парваришига ҳам етарли аҳамият берилмаётир.

Йиғилишда колхоз ветеринария врачи Болта Нурмаханов қаттиқ танқид қилинди. Унинг ишга ўзибўларчилик билан қараши, зооветеринария тадбирларини муддатида аниқ ва сифатли ўтказмаслиги натижасида моллар орасида баъзи касалликлар борлиги тилга олинди. Йиғилишда Нурмахановнинг ўзи ҳам сўз сўради. У йиғилишда айтилган танқидлар тоғ тўғри бўлганлиги, тегишли хулоса чиқариб олажаги, келгусида колхоз чорвачилигини ривожлантиришда фан ва техника ютуқларидан оқилона фойдаланишга кенг эътибор бериш тўғрисида гапирди.

Кейинчалик колхоз партия комитетининг секретари Дилафруз Каримжонова билан йиғилишда қабул қилинган қарорнинг бажарилишини ташкил этиш хусусида суҳбатлашдик. Шунда партком секретари 120 дан бортиқ коммунист чорвачиликни юксалтиришни, унинг озуқа базасини мустаҳкамлашни ўзининг жанговар вазифаси деб ҳис этаётганлигини, бу ишга шахсий ҳисса қўшиш ниятидаги ташаббус кўрсатаётганлигини мамнуният билан гапирди.

— Ўтган йили цех партия ташкилотларига раҳбарлик соҳасидаги ишимиз райком бюросида кўрилганда, — деб таъкидлади у, — фаолиятимизда содир бўлаётган бир қатор камчиликлар кўрсатиб берилган эди. Чунончи, социалистик мусобақани ташкил этиш, деҳқончиликка илғор тажрибани ва фан ютуқларини жорий этиш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини йўлга қўйишда цех партия ташкилотлари етарли даражада жанговарлик кўрсата олмаётганликлари алоҳида уқтириб ўтилди. Биз ана шу камчиликларни бартараф этиш учун цех партия ташкилотларига раҳбарликни кучайтирдик. Уларнинг кундалик фаолиятига доир актуал масалаларни партия йиғилишларида, партком мажлисларида қараб чиқадиган бўлиб қолдик. Натижада 13 цех партия ташкилоти меҳнат коллективининг ўзагига айланди.

«Ҳатто энг кичкина партия ташкилоти ҳам, — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — ҳамма нарсани яхши ҳисоблаб чиқса, ҳамма нарсани пайқаб олса, ҳамма нарсани ишга солса, кўп нарсалар қилиши, кўпгина янги имкониятларни топиши мумкин». Биз қуйи партия ташкилотларининг ишини йўналтиришда ана шу кўрсатмаларга амал қилмоқдамиз.

Ҳозир район меҳнат коллективларида 92 бошланғич, 134 цех партия ташкилоти, 55 партия группаси иш олиб бормоқда. Бўлиб ўтган йиғилишларда коммунистлар ҳар гал қуйи ташкилотларнинг жанговарлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш структураси такомиллашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда партия қуйи звеносини тўғри шакллантириш юзасидан фойдали таклифлар киритишди. Шу кунларда ўтаётган бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилиши арафасида райком ана шу таклифлар ва фойдали мулоҳазалар асосида яна 17 меҳнат коллективида партия группаси тузиш лозим деб топди. Бунинг учун

Сўз—хўжалик раҳбарларига

МАСЪУЛИЯТЛИ ПАЛЛА

Колхозимиз областнинг қолоқ хўжаликларидан бири бўлиб келганлигини эътироф қилмай илож йўқ. Айниқса, ўтган йили ялпи ҳосил анча камайди, ҳосилдорлик пасайди. Давлатга 2300 тоннадан кўпроқ пахта сотилди, ҳар гектар ердан 26 центнердан ҳосил олинди, холос. Об-ҳаво ноқулай келганлиги ҳам, ер-сув шароити ҳам ҳосилдорлик пасайганлигини оқлашга асос бўла олмайди. Ўтган йилнинг якунлари колхоз ҳисобот йиғилишида чуқур таҳлил қилинганиесимда. Правление раислигига янги сайланган мени ҳам, барча колхозчиларни ҳам қуйидаги саволлар ўйлантириб қўйди:

Қолоқларсиз ишлаш даврининг миллионларнинг азму қарорига айланган бир вақтда колхозимиз токайгачи ғимиллайди? Қолоқликдан чиқиш учун нима қилмоқ керак?

Биз вазифаларни белгилаб олиб, енг шимариб ишга киришдик. Пахта майдонимиз 891 гектар. Бу йил ялпи ҳосилни 3680 тоннага, ҳосилдорликни 41,3 центнерга етказамиз. Бошқача айтганда, пахта ҳосили бир йилда 1380 тоннага кўпаяди. Жами ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб оламиз.

Етти ўлчаб, резерв ва имкониятларимизни чўтлаб кўриб, юқоридаги мажбуриятни қабул қилганмиз. Энг муҳими ишчи кучи, техника етарли. Тупроқнинг таркибини яхшилаш ва уни унумдор қилиш тадбирларини тинмай амалга оширмоқдамиз. Ер майдонлари эришдан олдин текисланди, карталар йириклаштирилди.

Аммо табиат ўжарлик қилиб ишларимизни кейинга сурди, деярли ҳамма майдонга қайта чигит экишга тўғри келди. Ғўзанинг ривожланиши анча кечикди. Ана шундай мураккаб вазият юз берган бир пайтда республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати пахтакорларга далда берди, қучғайрат ва илҳом бағишлади. Ҳеч иккиланмай, қатъият ва сабот билан табиий офат оқибатларини тугатишга, ғўзанинг ривожланишини бутун чоралар билан тезлаштиришга киришдик ва бу мақсадга асосан эришдик.

Мана, ғўзалар яшнаб, гул ва кўсаклар кун сайин кўпаймоқда. Июль ойида ғўзага икки марта, баъзи далаларда уч марта комплекс ишлов берилди. Азотли ўғитларнинг тўлиқ нормаси, ҳар бир гектар ҳисобига 5 тонна чиритилган ғўнг солинди. Ғўзалар икки марта қониб сув ичди, чуқур культивация ва кетмон чопиғи вақтида бегона ўтлар таг-томири билан йўқотилди. Август ойининг ҳар бир куни ва дақиқасидан самарали фойдаланиб, ҳосилга ҳосил қўшмоқдамиз.

Ғўзанинг ҳозирги аҳволи, бундан кейинги ишларимиз ва режаларимизга тўхталиб ўтмоқчиман.

Далама-дала ўтказилган «ревизия» колхоз бўйича ҳар гектар майдонда ўрта ҳисобда 93 минг туп ғўза борлигини кўрсатди. Ҳар туп ғўзада ҳозир 8—10 тадан кўсак бор. Ой охиригача кўсаклар сонини уч баравар кўпайтиришимиз керак, бунинг учун гул ва тугунчаларни сақлаб, тез етилтириш зарур. Экининг ривожига қараб айрим далаларга икки марта, баъзи пайкалларга уч марта комплекс ишлов берамиз.

Бекжон Шамоқов бошлиқ бригадаларда ҳар гектар майдонда 95 минг туп, Шукрулла Яхшимуродов ва Жумабой Шомуродов бошлиқ бригадаларда эса 87—88 минг туп ғўза бор. Энни ола кўкарган далалар ҳам учрайди. Энди туп сонини кўпайтириб бўлмайди. Аниқланган «камомад» фақат бир йўл билан копланади: бир туп ғўзадан икки туп ғўзанинг ҳосилини олишга эришмоғимиз даркор. Бунинг учун ғўзага бир марта ўғитга икки марта ишлов бериш талаб этилади.

Шу кунларда далада 101 сувчи, культивациялашда 32 механизатор икки сменада ишлаб турибди. Р. Юсупов, Н. Раҳмонов бошлиқ бригадалар ғўза парваришида олдинда бориши лаб. Қ. Матёқубов ва Б. Одамбоев бошчилик қилаётган бригадаларнинг Қақрали тўқайдаги ғўзаларига «шарбат» оқизилгач, кўсаклар сони ҳар тупда иккитага кўпайди.

Ғўнг тайёрлайдиган махсус бригада тузилиб, унга иккита самосвал, 4 та прицеп, иккита погрузчик бириктириб қўйилган. Ғўнг махсус мослама ёрдамида сепилмоқда. Пайкал бошида ўралар қазилиб, далага «шарбат» оқизиляпти. Эгам Собиров, Сафарбой Абдуллаев, Жўмамурод Тожибоев каби миришкор сувчилар, Шомурод Йўлдошев, Ўрозмат Матёқубов, Собир Ражабов каби механизаторлар — шу кунларнинг ҳақиқий қаҳрамонларидир. Замира Нурматова бошчилигида тузилган 25 кишилик комсомол зарбдор отряди — ҳамиша ишнинг қайноқ жабҳасида. Қаерда бегона ўт пайдо бўлса, улар дарҳол ўша ерга етиб келишади ва далани ўтдан тозалашади.

Ҳар бир раҳбар ходим ва мутахассиснинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш — дала ишларининг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминловчи муҳим омиллардан бири. Инженер И. Ортиқов, механиклар Ш. Ражабов, А. Отажонов агрегатларнинг тўла қувватда унумли ишлатилиши ва машина терими тараддуди учун жавоб беришади. Агрономлардан С. Собиров суғориш сифатини, Р. Машрапов ҳашаротнинг олди олиниши учун масъул қилиб қўйилган. Партком секретари Р. Отажонов дала механизаторлар ўртасида оммавий сиёсий ишни ташкил этиш, социалистик мусобақанинг якунлаб борилиши устидан доимий назорат ўрнатган. Илгор сувчилар ва механизаторлар моддий ва маънавий рағбатлантириляпти.

Шу кеча-кундузда колхозимизда кексаю ёш, барча пахта ишқида нафас олиб, ҳосилга ҳосил қўшишда жонбозлик кўрсатмоқда. Уларнинг фикри-зикри битта: хўжаликни қолоқликдан чиқариш ва олдингилар сафига қўшишда олга томон дадил қадам қўйишдир.

Аминбой УРОЗОВ,
Гурлан районидаги Ҳамза номли колхоз раиси.

ЧОРВАДОРЛАР ҒАЛАБАСИ

ҚАМАШИ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Район бўрдоқибоқарлари гўшт тайёрлаш халқ хўжалик йиллик планларини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар. Давлатга 1945 тонна ўрнига 1947 тонна гўшт топширилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 410 килограммни ташкил этди. Қўлга киритилган бу муваффақиятга «Фарғона», «Гулистон» совхозлари, «Партия XXII съезди», Ленин номли, «СССР 50 йиллиги» колхозларининг чорвадорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорлари асосида иш тутган азамат чорвадорлар йил охиригача яна 300 тонна гўшт топширишга қарор қилдилар.

Шунингдек районда тухум, жун, тери тайёрлаш йиллик планлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

* * *

КАЛИНИН, («Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбиридан телефон орқали). КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумларига қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Охунбобоев номли совхоз чорвадорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Қабул пунктларига 530 тонна ўрнига 555 тонна гўшт топширилди. Ҳар бош қўйнинг оғирлиги 52 килограммга етказилди. Бу пландагидан 10 килограмм кўпдир.

Бу зафарларнинг қўлга киритилишида Мустафо Адамбеков, Мамит Адеев бош чўпон бўлган отарларнинг чўпончўлиқлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Чорвадорлар қишловга ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. 3 йилга етадиган миқдорда — 12800 тонна дағал хашак ҳамғарилди, 380 тонна маккажўхори емга асраб қўйилди.

Чорвадорлар ички имкониятларини чамалаб, яна 50 тонна қўшимча бўрдоқи гўшти топшириш мажбуриятини олишди.

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН ОБРЎ

Л А В Ҳ А

Саратон кириб, ҳарорат кўтарилди. Ғўзаларга жон кирди. Ниҳоллар бўй чўзиб, гуллай бошлади. Мана энди эса ҳар бирида ўнга яқин кўсак саналиб мумкин. Бунга эришгунча бригадир Абдураҳмон Бекмуродов ҳам тинним билмади. Кўклам оғир келди-да. Уларнинг бригадасида ҳам пайкаллар неча марта бузиб, чигит қайта экилди. Эҳ-ҳе, ҳатто майнинг ўрталарида ҳам қаттиқ совуқ бўлди-я!? Эртаси кун ҳаво очилиб, қуёш чарақлаб кетса ҳам майли эди. Қаёқда дейсиз. Яқин-яқинларгача ҳарорат жуда паст бўлди. Бу ташвишли кунлар бригадирнинг хотирасида муҳрланиб қолди.

1963 йили Яллама қишлоғининг паетида канал қурилиши бошланганди. Абдураҳмон ака ҳам ўғли Абдуғанини етаклаб канал ёқасига чиқди. Бир маҳал оёқлари остидаги тупроқ кўчса бўладими?! Ўғлини-ку бир амаллаб қутқариб қолишди-я! Абдураҳмон аканинг ўзи каналга қулаб тушди. Чап оёғи қаттиқ шикаст еди. Касалхонада ойлаб гипсда ётди. Қадрдон бригадаси аъзолари эса ундан ҳол-аҳвол сўраб туришди.

Асл деҳқон эмасми, у тўшакка михланиб ётган кезларда ҳам ҳаёли пахтасида бўлди. Ҳосилдорликни ошириш ҳақида кўп ўйлади. Республикамиздаги ҳар бир районнинг иқлими, ер шароити ўзига хос. Айниқса, Янгийўл, Чиноз атрофларида ерлар нотекис, шунинг учун ҳам ғўзани қондириб суғориш қийин. Ҳосилдорликни кўтаришда эса сувнинг аҳамияти катта.

Абдураҳмон ака илк саратон кунлари касалхонадан чиқди. Ғўзалар бўй кўрсатиб қолган эди. Ўша йили улар ғўзаларни «бир ҳафталаб» суғоришни амалга оширишди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. Пушталар намиқиб, ғўза гуркираб ўса бошлади. Ҳосилдорлик ҳам яхши бўлди...

Пахтачиликда суяги қотган Абдураҳмонни яллама-ликлар 1953 йили бригадага бошлиқ қилиб кўтаришди. У миришкор ҳамкасбларн билан бирга чигит экишдан тортиб, ҳосилнинг сўнгги мисқолини йиғиб-теріб олгунча ёниб-куйиб меҳнат қилди. Илм-фан ютуқларини илғор тажриба билан пайванд этди. Орадан кўп ўтмай бригада илғорлар қаторидан жой олди. Узоқ-яқиндан келиб уларнинг тажрибаси «сир»ини билишга қизиқувчилар кўпайиб қолди.

Йиллар ўтди. Ҳалол меҳнат ишчан бригадирга обрў-эътибор келтирди. Партия ва ҳукуматимиз уни Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва қатор медаллар билан тақдирлади.

Абдураҳмон ака ҳар бир бригада аъзосининг ташвиши ва қувончига шерик. Улар эса бригадирнинг ҳақгўйлиги ва аҳдига вафодорлиги учун ҳам ҳурмат қилишади. Мақсадлари эса битта: она-Ватанга кўпроқ ва юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш. Солдат бўлиб туғилмайдилар, дейишади. Бу иборани пахтакорларга нисбатан ҳам ишлатса бўларкан. Дарвоқе, инсон пахтакор бўлиб ҳам туғилмайди. Чинакам пахтакорликка меҳнат, меҳнат бўлгандаям онгли ва машақатли меҳнат эвазига эришилади. Абдураҳмон ака ҳам кўп йиллик тажрибаси, изланиши ва ўрганиши туфайли ана шундай пахта устаси бўлиб етишди. У бошлиқ бригада ҳосилдорликни йил сайин ошириб бориб, катта ютуқларни қўлга киритишти. 1977 йилда 121 гектар пахта майдоннинг ҳар гектаридан 54,7 центнердан, ўтган йили эса табиатнинг нотантилигига қарамай 45 центнердан ҳосил кўтарилди. Бунда Эргаш Ортиқов, Жаббор Шоаҳадов, Тўти Маъмирова, Марҳамат Абдуҳакимова, Ҳолмат Рўзибоев сингари ўнлаб заршуносларнинг ҳиссаси бор.

Бу йил Чиноз районининг пешқадам бригадалари ҳосилдорликни гектарига 50-60 центнерга етказиш мажбуриятини олиб, майдонга чиқишди. Улар орасида Охунбобоев номли колхозининг Абдураҳмон Бекмуродов бошлиқ эллик центнерчи бригадаси ҳам бор эди.

Тез орада деҳқонлар ориқиб кўтан дамлар келади. Мезон еллари елган далалар қўшиқларда куйлангандек, оппоқ либосга бурканади... Ишонамизки, бу йилги кузак ҳам Абдураҳмон Бекмуродовнинг ҳаёт дафтарини янги меҳнат сатрлари билан тўлдиради.

А. ҚОРЖОВОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПЕШКУ. («Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири). Жданов номли колхозининг Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лаурёати Қумри Ҳасанова бошлиқ комсомол-ешлар бригадаси 65 гектар майдонининг ҳар гектаридан 137 центнердан сара дон олиб, юксак социалистик мажбуриятни бажарди. Шунингдек, гектаридан 400 центнердан ем-хашак йиғиштириб олинди. Экиндан бўшаган ерларга рожь экилмоқда.

* * *

ҚУМҚУРҒОН. («Ўзбекистон» совхозининг Тошмурод Зоиров бошлиқ ўсимлик пахтакорлари ғўза парваришида олдинда боряпти. Агротехника қоидалари асосида парваришланаётган ғўзалар шода-шода шона, гул, кўсак тўплаяпти. Гектаридан 45—50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашаётган Е. Нормуродов, О. Зоиров, Н. Саъдуллаев, Ч. Ҳайдаровлар бошлиқ бригадаларнинг ғўзалари, айниқса, серҳосил бўлиб ўсяпти.

О. УЛУҒОВ.

* * *

ОЛТИНКЎЛ. Тельман номли колхозининг Абдурашид Мажидов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш учун мусобақани кучайтирмоқда. Икромжон Даровишев, Абдурайим Ҳакимовлар кунлик культивация графигини ортиғи билан бажаряпти. Бригада аъзолари ғўза парваришини пахта теримн бошланғунча давом эттиришга қарор қилдилар. 67 гектар майдоннинг ғўзаси машина теримига ажратилди.

А. АБДУЛЛАЕВ.



ГДР. Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари экономикасининг барча тармоқларида фан-техника тараққиётини тезлаштиришда энергетика етакчи роль ўйнайди. Суратда: Чехословакия энергетикларининг бугортмаси билан Дрезденда тайёрланган 28 метрли юқори вольтли синов қурилмаси.

АДН—ТАСС фотоси.

ВАЗИЯТ МУРАККАБЛАШДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Эрон курд демократик партияси Мехободда вазиятни нормаллаштириш тўғрисидаги битимни рад этади. Бу битим Теҳронда марказий ҳукумат билан Мехобод революцион кенгашининг раиси мулла Р. Аббос бошлиқ курд делегацияси ўртасида имзоланган эди, деди шу партиянинг расмий вакили. ЮПИ агентлигининг Теҳрондан хабар беришича, бу вакил ана шу битимни «жузий» битим деб атади, чунки у бутун вилоятга эмас, балки бир шаҳарга тааллуқлидир. Бундан ташқари, деди у, битим Курд демократик партиясининг рухсатисиз тузилди. Унинг айтишича, Мехободдан 20 миль нарида турган Эрон армияси мунтазам қисмларининг шаҳарга кириш йўлидаги ҳамма ўринини «шафқатсиз қон тўкилиши» билан тамом бўлади.

Эрон Курдистонидаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. Курд қўзғолончилари ўтган кунларда Миандоаб, Жалдиана, Тованд ва Нотижа атрофида ҳукумат қўшинларининг позицияларига ҳужум қилдилар. ЮПИ агентлигининг таъкидлаб ўтишича, ана шу пунктларнинг аҳолиси марказий маъмурларнинг репрессияларидан хавфсираб тоққа чиқиб кетган. Кейинги икки ҳафтада Эрон Курдистонида ислом судларининг ҳукми билан 70 киши қатл этилган.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ СОФИЯ. Бу ерда ўз ҳаётини Чили халқининг порлоқ келажаги учун бағишлаган Чили ватанпарвари Альберто Кервалан ҳайкали очилиши муносабати билан Болгария ёшлари вакилларининг митинги бўлди. Бу маросимда Альбертонинг отаси, Чили Компартиясининг Бош секретари Л. Корвалан, онаси ва рафиқаси ҳозир бўлдилар.

◆ ГААГА. Роттердамдаги порт шатакчилари командаларининг забастовкаси бир ҳафтадан буён давом этмоқда. Забастовка натижасида Европадаги ана шу йирик портда кемалар қатнови изидан чиқиб қолди. Меҳнаткашлар маъмуриятнинг дўқ ва пўписаларига қарамай, иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

◆ ФРИТАУН. Зимбабве Африка халқи иттифоқи президентининг ўринбосари Ж. Чинаману бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида: Зимбабве миллий озодлик кучлари бу мамлакатнинг истиқболини белгилашда асосий роль ўйнамоқдалар, деб айтди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг шошилинч мажлиси бўлди. Бу мажлис мамлакатнинг жанубидаги аҳвол ғоят кескинлашганлиги муносабати билан Ливаннинг илтимосига кўра чақирилди. Ливан ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашига йўллаган расмий илтимосномасида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Исроил Ливанга қарши доим куролли игвогарлик қилмоқда. Бунинг натижасида тамомаг бегуноҳ тинч аҳоли қирилиб кетмоқда, мамлакатга эса жуда катта моддий зарар етказилмоқда.

(ТАСС).

Қўшилмаслик ҳаракатининг кенг уфқлари

ОЛИЙ МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

Мустамлака империяларининг емирилиши ва уларнинг ўрнида мустақил давлатларнинг вужудга келиши халқаро муносабатларни қайта қуришнинг чуқур жараёнини акс эттиради. Мустамлакачилик кишанларини улоқтириб ташлаган мамлакатлар халқаро майдонда тобора катта роль ўйнамоқдалар. Блокларга қўшилмаслик ҳаракати тинчликни ҳимоя қилишда ва мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш учун курашда актив позицияни эгалламоқда.

Ўзининг нисбатан қисқа тарихида 18 йил ичида қўшилмаслик ҳаракати йирик халқаро кучга айланди, у тинчлик ва миллий озодлик учун умумий курашга ижобий ҳисса қўшмоқда. Империалистларнинг озод бўлган ёш давлатларни янги мустамлакачилик сиртмоғи билан чулғаб олиш йўлидаги уринишларига жавобан вужудга келган бу ҳаракат катта ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг 1961 йилда Белградда бўлиб ўтган I конференциясида 25 давлат қатнашган эди. Унинг ишида кузатувчилар сифатида Лотин Америкасидан уч давлат ҳам иштирок қилди. Шундан кейин эса қўшилмаслик ҳаракатининг доираси оғишмай кенгая борди. 1964 йил октябрида Қоҳирада ўтказилган II конференцияда жаҳондаги 47 мамлакат, шунингдек кузатувчилар сифатида Лотин Америкасидан тўққиз мамлакат, Африка Бирлиги ташкилоти ва араб мамлакатлари лигаси қатнашди. Қўшилмаган мамлакатларнинг 1970 йил сентябрида Замбия пойтахти Лусакада бўлган III конференциясида эса 54 мамлакат ва тўққиз кузатувчи иштирок этди. Бундан ташқари меҳмонлар сифатида етти миллий-озодлик ташкилоти қатнашди. 1973 йил сентябрида Жазоирдаги IV конференцияда 76 мамлакат ва 16 миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбари иштирок қилдилар. Қўшилмаган мамлакатлар давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг 1976 йил августида Шри Ланка Республикаси пойтахти Коломбода ўтказилган V конференцияси ўз составининг кўлами жиҳатидан энг йирик анжуман бўлди. Конференцияда блокларга қўшилмаслик ҳаракатида қатнашаётган 86 мамлакатнинг вакиллари иштирок этдилар. Коломбо анжумани қатнашчилари сиёсий декларацияда халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида эришилган силжишни тебрикладилар. Жаҳондаги ҳозирги вазият, дейилади ана шу асосий ҳужжатда, халқларнинг тинчлик ва тараққиёт йўлидаги кураши кучайганлиги билан характерланади.

Конференциянинг бутун бориши, конференция қатнашчиларидан ғоят кўпчилигининг нутқлари, қабул қилинган ҳужжатлар бу ҳаракатнинг илгари белгиланган принципларига содиқ эканлигини исбот этди. Коломбодаги анжуман қатнашчилари халқаро кескинлик юмшатилган бир шароитда империализмга, агрессияга ва урушларга қарши, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, халқларнинг озодлик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш учун янада зўр ғайрат ва собитқадамлик билан кураш олиб боришга қатъий қарор бергалигини намойиш қилди.

Шу йилнинг 6—9 июнь кунлари Коломбода блокларга қўшилмаслик ҳаракати координациялаш бюроси аъзолари бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференция блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг сентябрь ойида Гаванада ўтказиладиган VI конференциясига тайёргарлик ишларининг сўнгги босқичи бўлди.

Коломбодаги конференция блокларга қўшилмаслик ҳаракатининг асосий мақсади ва йўналиши халқаро муносабатларни тенг ҳуқуқлилик ва адолат негизида ривожлантиришдан, империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашдан иборат эканлигини кўрсатди. Худди мана шунинг учун ҳам олий даражада ўтказиладиган ва келаси ҳафтада очиладиган VI конференция дунёда ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу анжуман биринчи марта шу ҳаракатни бошлаб берган, қўшилмаслик ҳаракатининг барча қарорларини оғишмай бажариш учун актив курашаётган мамлакатлардан бири — Лотин Америкасидаги социалистик Куба диёрида ўтказилади.

А. РЎЗИЕВ.

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

1 сентябрда иккинчи жаҳон уруши бошланган кунга 40 йил тўлди. Бу уруши ҳалқаро империалистик реакция кучлари тайёрлади ва нацистлар Германияси ўз иттифоқчилари билан бирга бошлаб юборди. Узоқ олти йил давом этган ва эллик миллион кишининг ёстигини қуритган бу уруш ўзининг кўламлари ва унда иштирок этган мамлакатларнинг кўплиги жиҳатидан тарихда мисли кўрилмаган уруш бўлди.

Ўзининг тинчлик сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи уруш арафасида коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни зўр бериб ўртага қўйди. Лекин унинг куч-ғайратлари Ғарб давлатларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Ғарб давлатлари гитлерчилар агрессиясини биринчи навбатда СССРга қарши йўналтиришга муваффақ бўламиз, деб умид қилишган эди. Бироқ, уларнинг Гитлерни «тинчлантириш» сиёсати шунга олиб келдики, уларнинг ўзлари фашистлар агрессиясининг биринчи қурбонлари бўлишди.

Аввалига империалистик уруш бўлган иккинчи жаҳон урушининг характери гитлерчилар Германияси ўз иттифоқига ҳужум қилганидан нейин туйдан ўзгариб кетди. Совет Иттифоқи фашизм устидан ғалабани таъминлашда бош роли ўйнади.

Иккинчи жаҳон урушининг сабоқлари янги урушнинг олдини олиш учун ҳормай-толмай курашиш заруррлигини тақозо этади. Янги уруш ҳозирги замон шароитларида яна ҳам кўпроқ фалокат келтирган бўлур эди. Ракета-ядро қуроли халқлар бошига шунчаки беқиёс кулфатлар солишгагина эмас, шу билан бирга инсоният яшашининг ўзини гумон қилиб қўйишга ҳам қодирлиги, ахир. Шу боисдан Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва нейнчалик қуролсизланишга қаратилган йўлдан-кўп таклифларининг аҳамияти ниҳоятда бебаҳодир.

Аммо бугунги кунда кескинлик юмшатилишини тўхтатишга интилаётган кучлар актив ҳаракат қилмоқдалар. Пентагон, НАТО корчалонлари «Европа стратегик қурол системалари» деб аталмиш системаларни вужудга келтириш планларини тиқиштираётганликлари бунинг ёрқин мисолидир. Ғаз Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларнинг ва аввало Германия Федератив Республикасининг территориясида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг хавфсизлигига таҳдид қилиб турувчи Америка ядро ракеталарининг янги турларини жойлаштириш тўғрисида бормоқда.

Ғарбий Европа жамоатчилиги милитаристларнинг планларидан ташвишга тушаётганлиги мутлақо тушунарли. Иккинчи жаҳон урушн бошланишининг 40 йиллиги тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, Европа қитъаси устида пайдо бўлган янги хавф-хатарга қарши, куролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш учун курашни кучайтириш шиорлари остида нишонланаётганлигининг боиси ана шундадир.

И. ЛАПИЦКИЙ.
(ТАСС).

ХИТОЙНИНГ ҚУРОЛЛИ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). ВИА агентлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида қуйидагилар айтилади: тўла бўлмаган маълумотларга кўра, Хитой август ойи мобайнида Вьетнам — Хитой чегарасининг турли пунктларида юзга яқин қуролли игвогарлик қилди. Бунинг натижасида вьетнамлик ўнлаб тинч аҳоли ва чегарачилар ўлдириліб, ярадор қилинган. Талайгина моддий зарар етказилган.

Ахборотда Хатуен, Хоанглиеншон, Каобанг ва Лайтуя вилоятларида хитойлар қилган энг жиддий игвогарликлар қайд этиб ўтилади. Вьетнам территорияси миномётлар ва пулемётлардан ўққа тутилганлиги, чегара постларига ҳужум қилинганлиги, Хитой ҳарбий бўлинмалари ВСР территориясига бир неча марта бостириб кирганлиги ана шундай игвогарлик жумласиндандир. Масалан, 24 август куни Хатуен вилоятидаги Батьдить жамоасига ана шундай бостириб киришда 200 га яқин хитойлик солдат қатнашган. Вьетнам чегарачилари ва лашкарлари игвогарларга зарба берганлар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЯНГИ ТУЗУМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

КОБУЛ. (ТАСС). 1973 йилда ағдариб ташланган Афғонистон подшо ҳукуматининг собиқ икки министри А. В. Сораби билан М. Я. Лали Кобул радиоси ва телевиденеси орқали сўзга чиқдилар. Ғарб пропагандаси ана шу собиқ министрлар Афғонистон Демократик Республикасидан қочиб кетдилар ва халқ тузумига қарши кураш олиб бормоқдалар, деган овозаларни тарқатган эди. Улар бу овозаларни рад этдилар.

М. Я. Лали, жумладан, бундай деди: мен ўз юртимнинг ватанпарвари бўлганлигим туфайли янги тузумни қўллаб-қувватлайман. Бунинг боиси шуки, мен бу тузум афғон халқининг кўпчилигининг манфаатини ифода этади ва ҳимоя қилади, деб ҳисоблайман. Доктор А. В. Сораби ўз нутқида Покистондаги реакцион доираларнинг Афғонистон Демократик Республикаси ички ишларига аралашувини кескин қоралади. Ў ҳам халқ ҳукуматини астойдил қўллаб-қувватлаётганлигини изҳор қилди ва бундан буён афғон халқининг бахт-саодати йўлида хизмат қиламан, деб ваъда берди,

Ҳозирги вақтда М. Я. Лали картография бошқармасида хизмат қилмоқда. А. В. Сораби бухгалтерия ҳисоб-китоби бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаб турибди. Уларнинг ҳар иккиси Кобулда яшаб, меҳнат қилмоқда.

ХАЛҚ ЎЗ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШДИ

Манфур диктаторлик режимини ағдариб ташлаган Никарагуа халқи Сомоса тўдасига қарши кураш билан чекланиб қолмади. Бу мамлакатнинг халқи Қўшма Штатларга қўлларча қарамлиндан халос бўлиш, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини олиш учун курашди. Никарагуа Миллий тикланиш ҳукуматининг ташкилий ишлар министри Мигель д'Эското шу ҳақда гапирди. У блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг VI конференциясига қатнашиш учун Гаванага келди.

Сиёсий ва социал-иқтисодий қарамликнинг ҳар қандай формаларига қарши, империализм, эски ва янги мустамлакачилик ҳамда иркчиликка қарши чиқаётган қўшилмаслик принциплари, деб таъкидлади Г. д'Эското, бизга яқин принциплардир. Биз кундалик курашимизда шу принципларга амал қиламиз. Шунинг учун ҳам Никарагуа қўшилмаслик ҳаракатининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинишини сўраяпмиз.

Никарагуанинг янги ҳукумати, деди министр, ўзининг ташқи сиёсатида халқимизнинг истибдодга қарши кураши билан астойдил бирдам эканликларини изҳор қилган социалистик давлатлар билан, Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳар томонлама муносабатлар ўрнатиш ва бу муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини билдиради.

Никарагуаликлар, деди М. д'Эското ҳозирги кунда вайрон қилинган ватанни тиклаш соҳасидаги мураккаб вазифаларни ҳал этмоқдалар. Биз блокларга қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлган мамлакатлар, барча тараққийпарвар давлатлар янги Никарагуани барпо этишда ёрдам берадилар, деб умид қиламиз.

(ТАСС).

ШОДИЁНА

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Эрта тонгдан бошлаб мактаб ҳовлисига бахтиёр пионер ва ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчилар йиғила бошлашди. Ҳамманинг юзида қувонч. Мактаб биноси байрамдагидек безатилган. Бу ерга тўпланганларнинг ҳаяжони чексиз. Болаларнинг чеҳраларида табассум ва шодлик барқ уриб турибди.

Мактаб директори Илҳом Алиматов, колхоз раиси С. Ғиёсов ва бошқа ўртоқлар ўқувчи ва педагогларни янги ўқув йили билан қизғин табриклашди. Партия ва ҳукумат ёш авлод ҳақида чексиз ғамхўрлик қилаётганликларини, ўқувчилар бу ғамхўрликка жавобан интизомли, одобли бўлишлари, фақат яхши ва аъло баҳоларга ўқишлари лозимлигини айтдилар.

Мактаб дружина советининг раиси, 8-синф ўқувчиси Эльмира Холманова ўқитувчиларга саммий миннатдорчилик билдирди ва «Ассалом мактабим», «Бизни чорламоқда Ленин дарсига» шеърларини ўқиб берди. Бош пионер вожатий М. Раҳимжонова, комсомол ташкилотининг секретари Озода Ҳожиматова мактаб остонасига илк қадам қўйган биринчи синф ўқувчиларини қизғин қутладилар.

Биринчи қўнғироқ ўқувчиларни синфга чорлади. Ёруғ, кенг ва озода хоналарда дарс бошланди.

— Янги ўқув йилини муваффақиятли бошладик, — дейди директор. — Мактабимизда 1122 ўқувчи таълим-тарбия олади. 65 нафар педагог фан асосларини ўргатади. Ҳ. Бахтиева, С. Юсупова, М. Толипов, М. Зокиров ва бошқа ўқитувчилар ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланган ҳолда биринчи дарсни мазмунли ва қизиқарли бошлашди.

Мактабда рус тили, физика, химия, биология, тил, адабиёт, тарих, чет тили ва бошқа кўплаб фан кабинетлари мавжуд. Дарслар асосан кўргазмали усулда олиб борилади. Юқори синф ўқувчилари учун устахона, бичиш, тикиш, техник, фото, рассомлик хоналари, керакли асбоб-ускуналар ва инвентарлар мавжуд.

Р. МУҲСИМОВА,
Калинин районидаги 23-ўрта мактаб.

Ўзбекистон мактабларида кеча ўқув йили бошланди. Суратда: Тошкент шаҳридаги 50-мактабнинг биринчи синфида дастлабки машғулот пайти.
И. Глауберзон фотоси.

«ШИФОКОР» ДАЛАДА

Хоразм областининг соғлиқни сақлаш бўлими ва санитария маорифи уйи ташкил қилган «Шифокор» агитбригадаси пахтакорлар ҳузурига жўнаб кетди. Агитбригадага уюшган болалар врачи, акушер-гинеколог, санитария врачи ва бошқа мутахассис врачлар дала меҳнатчилари ўртасида лекциялар ўқишляпти, тиббий мавзуларда суҳбатлар ўтказишляпти, айни вақтда тозалик ва санитария-гигиена қоидаларининг сақланишига, меҳнат ва дам олиш шароити яхшиланишига алоҳида эътибор беришляпти.

ТУЛЕПБЕРГЕН ҚАИПБЕРГЕНОВ—50 ЁШДА

ИЖОДНИНГ ТИНИҚ ОСМОНИ

Март ойининг сўнгги кунлари... Шўртонбой овулига баҳор минг ишва билан секин кириб келади. Ҳа демай ҳаво чарақлаб очилиб, кўкни тўлдириб сузиб юрувчи пага-пага булутлар кўринмай қолади. Тўсатдан бошланган енгил шабада таъсирида гуронгиллар, юлғунларнинг шивир-шивири бошланади. Еввойи ишқаларнинг бир маромда чайқалиб чийиллаши, буёнларнинг енгил, нафис чайқалиб рақсга тушиши айни авжига минади. Ердан бошини ниёл кўтариб ўсувчи жажжи туятобларнинг димоғни қитиқловчи ачқимтил ҳиди Шўртонбой овулини ҳам қоплаб олади... Бу дилбар манзаралар таниқли қорақалпоқ адиби Т. Қаипбергенов асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган...

Ҳар йили Тулепберген ога март ойининг сўнгги кунлари ўзи туғилиб ўсган овул — Шўртонбойга биоров келиб кетади. Овулнинг ўзига хос манзарасидан завқ олиб, овулдошлари билан дардлашиб, ёзаётган асари учун янги-янги ранглар, оҳанглар топади. Доим шунақа ўзи. Янги асарини бошламоқчи бўлса, ёки ўзга юртларга сафар қилса, романига сўнгги нуқтани қўйса, албатта, Шўртонбойга келиб кетади.

Мана, бугун ҳам юбилей кунларида овули ҳавосидан нафас олиш, тенгқурлари билан мириқиб суҳбат қуриш, бўлажак қаҳрамонлари юрган йўллардан юриш учун Шўртонбойга келди.

Олисдан туриб қараган кишига Шўртонбой овули тепаликка қурилган қалъага ўхшаб туюлади. Унинг атрофи нуқул тўронгил ва юлғунлар билан қопланган тўқайзор, оқбошлар қоплаб, ястаниб ётган паст-баланд тепалар, қўллар, сал нарироқда уфққа қадар чўзилиб кетган бепоён пахта далалари...

Тулепберген Қаипбергеновнинг деярли ҳамма асарларида Шўртонбойнинг ўзига хос манзараси, одамларининг образларини учратиш мумкин. Адибнинг «Секретарь» ва «Муаллимга раҳмат» қиссаларида тасвирланган воқеалар ҳам Шўртонбой овулида бўлиб ўтади. Иккала асар ҳам овулнинг қиёфаси ва бинобарин одамларнинг руҳияти ўзгара бориши — инқилобнинг биринчи йилларидаги кескин тўқнашувлар, Ватан уруши манзаралари тасвири орқали чизилади.

Адиб ҳар сафар Шўртонбойга келганида отасининг ўгитини эслайди.

— Бир куни, — дея хотирлайди Тулепберген Қаипбергенов, — отам дунёдаги ҳар бир одамнинг учта ажралмас ҳамроҳи бўлади: биринчиси — унинг якин дўсти, иккинчиси — душмани, учинчиси — томошабинлар, деган эди. Илк марта сафарга отланганимда онам ҳам отамнинг насиҳатига қўшимча қилиб: «инсоннинг яна бир йўлдоши бор, у ҳам бўлса унинг туғилган юрти, юртингга ҳамиша содиқ бўл», деб тайинлагани эсимда. Акам овулнинг четига қадар кузатиб келиб, меҳнатдач қаваригб кетган қўлини елкамга қўйди-да: «муҳаббат жудаям буюк нарса, унга ҳеч қачон хиёнат қилмаслик керак», деб насиҳат қилди.

Қорақалпоқ халқининг ўтмишини қаламга олар эканман, отам, онам ва аканинг ўгитлари доимо қулоқларим остида жаранглаб турди. Умуман тарихий воқеалар, ҳодисаларни бўяб-бежамасдан бор бўй-баси билан тасвирлашга ҳаракат қилдим. Шу мақсадда қанчақанча саҳифалари саргайиб кетган китоблар ўқилди, гоҳ машинада, гоҳ самолётда юрилиб, тарихий жойлар зиёрат қилинди. Болалигимда эшитган афсоналар билан тарихий воқеаларни муқояса қилдим, зарурларини олдим, нозарурларини тушириб қолдирдим, заргар бўлмасам ҳам ҳар қалай олтинни мисдан фарқлаб олишга эътибор бердим. Тарихий мавзуга мурожаат қилар эканман, шу бугуннинг аҳамиятини чуқурроқ очишга кўпроқ эътибор бердим. Шу маънода ҳам Шўртонбой овулида рўй бераётган ўзгаришлар менинг учун ҳамиша ардоқли.

Адибнинг сўзларини илиб олиб, фикримизни давом эттирмоқчи бўлсак, қуйидаги ҳаққоний манзара кўз олдимизда равшан гавдаланади. Тулепберген Қаипбергеновнинг «Ўйқусиз тунлар», «Совуқ бир томчи» қиссаларида совет даврида камол топиб вояга етган ёшларнинг ҳаёти қаламга олинса, «Сўнгги ҳужум», «Қорақалпоқ қизи» романларида янги тузум учун курашнинг мураккаб картиналари ҳаққоний чизилган.

Тулепберген Қаипбергеновни катта адиб сифатида яна бир юқори погонага кўтарган асарларидан бири «Қорақалпоқ достони» деб бемалол айтиш мумкин.

«Қорақалпоқ достони» трилогияси узоқ йиллик ижодий изланишлар туфайли майдонга келди. Унинг саҳифаларида қорақалпоқ халқи ҳаётидаги трагик нуқталар тўғри илғаб олинган. Трилогиянинг «Маманбий афсонаси» деб номланган биринчи китоби «Дружба народов» журнали саҳифаларида эълон қилинди. «Литературная газета» ўзининг «Ягона қардошлик оиласида» деб эълон қилган бош мақоласида адибнинг бу янги асарига «адабий ҳаётдаги жиддий воқеалардан» бири сифатида юқори баҳо берди.

Тулепберген Қаипбергенов ҳамиша ижодий изланишда. Унинг турли мавзуларда ёзилган публицистик мақолалари, қардош адабиёт асарларидан қилинган таржималари ҳамда жўшқин жамоатчилик фаолияти эътиборга олинса адибнинг инсон ва ижодкор сифатида тутган ўрни яна ҳам равшан кўринади.

Адиб эллик йиллик юбилейи олдидан яна бирров Шўртонбойга келди. Шўртонбой баҳори билан Т. Қаипбергенов ижоди орасида рамзий ўхшашлик бор. Адиб ўзининг ижод баҳорини айни куч-қувватга тўлган ва камолот зиналарига кўтарилиб бораётган бир пайтда кутиб олмоқда.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

БЎЗЧИНИНГ ҲУНАРИ

Фельетон

Бир йил дегани уч юз олтмиш беш кун-у, аммо Геннадий Горячев билан Борис Данченколар учун уч юз олтмиш беш ташвиш. Шунинг учунми, ҳар қалай кун, ой, квартал у ёқда турсин, ҳатто шу ҳақда гапирган кишиларга иккининг ҳам тоқатлари йўқ. Қанийди, улар учун йил дегани резинкадай чўзилиб, сира поёнига етмаса-да, ҳар ой, ҳар квартал ва йил охирида бўладиган план ташвишларидан бир йўла қутулиб қўя қолишса. Аммо, афсус, минг афсуски, бунинг сира иложи йўқ-да. Соат ва минутлар Геннадий Григорьевичдан сўраб ўтирмай, бир маромда ўтгани сингари кун ва ойлар ҳам навбати билан алмашаверар экан. Горячев столи устидаги календарнинг яна битта варағини йиртиб, янги куннинг бетини очиб қўяркан, ич-ичидан хўрсиниб қўйди. Секретарга бош инженерни ҳузурига чақиришни буюрди, «албатта саккиз ойлик ҳисоботни ҳам олиб келсин», деб уқтирди.

Сирасини айтганда Геннадий Горячев ҳисобот ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Негаки, йилнинг ўтган ойларида қайси ишлар бажарилиб, қайси бири план ва режалигича қолиб кетганини бош инженернинг маълумотисиз ҳам жуда яхши биларди. Аммо бугун шу ҳисоботни ўз кўзи билан кўриши керак. Чунки, юқоридан айтилган «икки оғиз нордонгина гапни» бир ўзи сингдириб кетавермай, бош инженер билан бирга баҳам кўриши керак-да.

— Ассаломуалайкум, — Горячев эшикдан кириб келган Борис Данченкога чимирилиб қаради. Саломига алик ҳам олмай, ўша ўзи эшитган бир чимдим нордон гапдан бош инженерига тегишли улушини узатди:

— Янглишмасам йил бошида тасдиқлатиб олган планларингиз бир қучоқ папкага сиғмаган эди шекилли, энди бажарилган иш шу, деб икки варақ қоғозни қоралаб келибсиз?

— Борига барака, Геннадий Григорьевич...

— Қўйинге, топадиган гапингиз шу, бисотингизда бошқа гап йўқ. Бош инженерим деб ҳамма ишни сизга ишониб топшириб қўйсаму, сиз бўлсангиз... Ҳой, сиз ҳам бундоқ ходимларга нисбатан талабчан бўлсангизчи, ахир улар ҳам бошқа институтдагиларга ўхшаб бош қотириб ишлашсин, жуда бўлмаганда маошларини оқлаб оладиган бўлишсин... Йўқ, сизнинг ўзингиз жуда бўш, кўнгилчансиз, ходимларга қаттик қўл бўлишни билмайсиз, сихни ҳам, кабобни ҳам қуйдиргингиз келмайди...

Хуллас, Геннадий Григорьевич шу куни ичида йиғилиб қолган қандай гапи бўлса, ҳаммасини тўкиб, юрагини бўшатиб олди. Борис Константинович ҳам директорнинг гапини «миқ» этмай эшитиб ўтирди. Чунки у ҳозир Геннадий Горячевга жуда ҳам оғир эканлигини биларди-да. Нега деганда учинчи квартал ҳам ўтиб бораётти, ҳа-ҳу дегунча тўртинчи квартал бошланиб, йил охирлайди, ҳар ёқдан келиб институтни куптиков қилиб текширадиган комиссиялар кўпаядиган пайт. Уларнинг ҳаммасига директорнинг бир ўзи балогардон, ҳаммаси билан шу кишининг ўзи муомала қилиб, аччиқ-чучук гапларни бир ўзи эшитавераді. Йил бошида планга киритилган ишларнинг кўп қисми бажарилмай, ярим-ёрти бўлиб қолганидан кейин катта-кичик таъна гапларнинг кети узилмаслиги ўз-ўзидан аёнку.

Борис Константинович тунов куни ана шундай комиссияларнинг бири билан Горячев ўртасида бўлиб ўтган суҳбатнинг гувоҳи бўлган эди. Ўшанда директор дегани устма-уст қалаштириб ташланган саволларга жавоб топиб беролмай, роса қизарган эди-да.

— Ўтган уч йил ичида институт жами 14,1 миллион сўмлик 199 та лойиҳа ишларини тугаллаши ва уни буюртмачи ташкилотларга етказиб бериши лозим эди. Хўш, шу лойиҳа ишларидан 53 таси бажарилмай, буюртмачиларга панд берилганини, бу йилги план-топшириқлари ярим-ёрти бўлиб қолганлигини сиз қандай изоҳлайсиз?

— Институт бўлимлари илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишлари тематик плани бир ёқда қолиб, халқ хўжалик планига киритилмаган 16 та объект бўйича иш олиб борибди. Бунинг турган-битгани зарардан бошқа нарса эмаслигини биласизми?

Тавба, савол деганя ҳам шунақа совуқ, шунақа беўхшов бўладими? Ҳой, комиссия бўлиб келибсан, ранг кўр, хол сўр деганларидай, тинчгина текширишингни ўтказиб кетавермайсанми. Халқ контроли бўлса ўзига. Ё директор билан бош инженер бу ишлардан бутунлай бехабар, деб ўйлашармикин-а? Балки институтда каттадан кичиккача ёд бўлиб кетган бу ишларнинг ҳар бир йиғилишда ногора қилиб чалиначаётганини билишмасдир. Ҳа, худди шунақа, билишмайди. Шунинг учун ҳам Горячев билан Данченкога савол бераверіб, безор қилиб юборишади.

Аммо сирасини айтганда институтда гап кўп-у, иш оз эканлигини Геннадий Григорьевич билан Борис Константиновичнинг ўзлари ҳам яширишмайди. Зарур бўлса, уларнинг ўзлари ҳам бунга фирма-бир санаб бераришади. Мана, масалан, ёрдамчи пудратчи ташкилотларга корхоналарнинг бош лойиҳаси бўйича 3,1 миллион сўмлик лойиҳа ишлари вақтида етказиб берилмаганлигини, шу сабабли Чирчиқдаги «Электрохимпром», Навоийдаги «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Фарғона, Туркманистон ва Вахшдаги азот ўғитлари заводларидан келиб институт эшигининг турмини бузгудай бўлишаётганини Горячевнинг ўзи суҳбат пайтида текширувчиларга айтиб берган эди. Директор институт олиб бораётган иш сифатининг ҳам пастлигини яширгани йўқ. Аксинча бу ҳақда сўзлаб берарканг, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг капролактам объекти бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда озгина хатога йўл қўйганимиз сабабли қурилишга 560 минг сўмлик маблағ ортиқча сарфланганмиш. Тавба, қурувчиларга ҳам ҳайрон қоласан киши, биздан ўтган хатони қурилишни бошламасдан олдин келиб айтишмайдими, дарров ҳужжатларни қайта кўриб бермаймизми, деб ҳамма айбни пудратчи ташкилотларга тўнкаб ҳам қўйди.

Борис Данченконинг аниқ эсида: капролактам ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа ҳужжатлари институтга тушган бошқа буюртмалар сингари у ойдан бу ойга кўчиб юрган, охири дўппи тор келиб қолганидан кейин ёппасига ёпирилиб ишни битказишганди-да, институтдан кетгунча, буюртмачига етгунча деб, «Электрохимпром» бирлашмаси қўлига тутқазишган эди. Ҳужжатда хато ва камчиликлар ўтган бўлса нима қилибди, бирлашманинг ўзи «бой» ташкилот, 560 минг сўм деган арзимаган пул қаерларда қолиб кетмайди. Муҳими институт елкасидан зил-замбил бўлиб босиб турган битта юкдан қутулгани қолди. Бунисі эса бошлиқлару, ходимларгача касса олдига турна қатор бўлиб келиб оладиган яна битта мукофот дегани. Борис Константинович ҳар квартал охирида бериладиган мукофотни эслаб ширинлик шимган боладай илжайиб қўйди. Хурсанд бўлмасинми ахир, институтда ишлаб чиқариш плани бажарилмаса ҳам Геннадий Горячевнинг очиқ қўллигидан мукофот ва яна бошқа даромадларнинг қулоғи катта қилиб очиб қўйилибди. Горячев бошқа институт директорларига ўхшаб «ўйин ҳам сурнайига қараб бўлади» деб мукофотларни қирқиб, иш ҳақини чегириб турса нима бўларди. Йўқ, Геннадий Григорьевич бутунлай бошқа одам. Уч йилу уч ой давомида шахсан ўзи буйруқ билан институт ходимларига 196,2 минг сўмлик мукофот бердирди. Институт раҳбарларига ҳам бошқалар қатори мукофот ёздирган бўлса, борингчи, шунинг 3957 сўми қонунга хилоф ҳам бўлсин, хўш, шу билан нима бўлибди, осмон узилиб ерга тушибдими?... Ҳа, энди гапираверса гапнинг кети узилмайди. Узилмайди-ю, аммо...

Геннадий Григорьевич чуқур уҳ тортиб, қаршисида мўлтираб ўтирган бош инженерга мунғайиб қараб олди-да:

— Хўш, энди пул, мукофот деган гапларни бир чеккага қўйиб турайлик-у чалкаш бўлиб қолган планларимиз ҳақида гаплашиб олайлик. Уни нима қиламиз, тўртинчи кварталга ўтказсак яна бажарилмай қолади, ё бир йўла келгуси йил планига киритаверамиза? — деб сўради.

Борис Данченко ҳеч нарса демади. Чунки уларнинг бундан бошқа иложлари қолмаган эди-да. Кун тартибида турган, бажарилиши зарур бўлган, аммо кўп йиллардан бери гапирилаверіб, сийқа бўлиб қолган бу муаммолари қайта планга киритиб, яна бир урининг кўришмаса, Бутунииттифоқ «Союзазот» бирлашмаси азот саноати ва Органик синтез маҳсулотлари илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш давлат институти Чирчиқ шаҳридаги филиалининг тадқиқотчилиги қаерда қолади? Ҳа, яна бир урининг кўриш керак. Бу ишлар шу йил битмаса янги йил, хуллас янги-янги йиллар бор-ку, бир куни ўтиб, бир куни ўтиб, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб, ишлар ўнгланиб кетиб, ишлаверинг, «ваъдалари албатта бажарилади».

Рафиқ ТУРСУНОВ.

ДАРАХТЛАР ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАР ТЎҒРИДА

Каунасда иқлимни узоқ муддатга прогноз қилиш методларини яхшилашга хизмат қилувчи дендрохронологик маълумотлар мажмуаси барпо этилди. Бу мажмуада мамлакатимизда ўсувчи ҳар хил дарахтларнинг намуналари йиғилган. Дарахт танасининг кесигида йил халқалари яхши кўриниб турибди. Литва Фанлар академияси ботаника институтининг ходимлари учун бундай қиқим — иқлим тарихининг очиқ китобидир.

Дендроклиматохронологик лабораториясининг мутахассислари ТАСС мухбири Р. Чеснани коллекциями кўришга таклиф қилдилар. Лаборатория раҳбари Т. Битвинскас шкафдан бир ғўлани чиқариб олди.

— Ғўланинг халқаларига диққат бериб қаранг-а, дейди у. — Мисол учун бошқаларидан халқасининг кенглиги билан фарқ қилувчи мана бу жойини олайлик. Ана шунга қараб, бу қарағай ўсган жойда бундан 237 йил аввал ёз жазирама келиб, қиш илиқ бўлганлигини аниқлашимиз мумкин. Шундан етти йил кейин (еттита халқа ҳисоблаймиз) ёз салқин келган, чунки дарахт камроқ ўсган.

Мана шулар табиат «консервация қилган», йил ҳисобимиздан аввалги учинчи асрда ўсган кўҳна дуб ғўлалари. Дарахтлар нафас олиш чоғида радиактив изотопларни ютади ва бу изотоплар халқаларда намоён бўлади. Олимлар ёғочдаги изотопларга қараб қуёш активлик тарихини ва ернинг магнит майдонларини тиклашлари мумкин. Табиатда рўй берувчи жараёнлар муайян бир вақтда такрорланиб туради. Дарахтлар ёрдами билан энг қадимги иқлимий даврларни билиш ва келажак иқлимини анча аниқ прогноз қилиш мумкин бўлади.

Литвалик мутахассислар «дарахт халқалари» воситасида мамлакатнинг астрофизиклари, археологлари, ўрмончилари билан қалин алоқа боғлаб турибдилар. Бундай ижодий ҳамкорлик XXI аср иқлимига назар ташлашга ёрдам беради.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 СЕНТЯБРЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Қувноқ туш ёки кулги ва кўз ёшлари. Бадиий фильм, 1-серия. 12.50 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Театр спектакли. 16.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.40 — Халқаро болалар йилига. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Бугун — Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни. 19.30 — Концерт. 20.15 — Тайга шамолларида. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Интервидение фестивали. 23.30 — Академик эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионати. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Биз — Наманганданмиз. 11.30 — Бепоён Ватаним менинг. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.15 — Шаҳмат мактаби. 13.45 — Зимородок. Бадиий фильм. 15.00 — Бугун — Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни. 15.15 — Реклама. 18.20 — Салом. Фильм-концерт 18.45 — Бойчечак. 19.15 — Вьетнам халқининг миллий байрами. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Халқаро семинар қатнашчиларининг давра столи атрофида учрашув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 23.05 — Қалбларда баҳор. Фильм-концерт.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

3 СЕНТЯБРЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бадиий фильм. 10.45 — Концерт. 10.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.25 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Еш техниклар учун кўрсатув. 16.55 — Асл йигитлар. 17.30 — Спорт программаси. 19.05 — Беш йиллик. Тўртинчи йил. 19.45 — Бизнинг болаларимиз. 20.00 — Фильм-спектакль. 21.05 — Туғилиш романидан боблар. 21.30 — Время. 23.20 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20 — Болалар учун мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Китоб-билим манбаи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Баҳор тароналари. 21.00 — Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия билан учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — Журналистларнинг халқаро семинарида.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Сен етим эмассан. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Фильм-концерт. 21.20 — Ҳужжатли фильмлар.

РАДИО

2 СЕНТЯБРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Севги сатрлари. Концерт. 9.15 — Табассум. 10.45 — Бугун — Бутуниттифоқ нефть ва газ саноати ходимлари куни. 12.00 — Ўзбекистон ишчиси. 13.30 — Нефть ва газ саноати ходимлари учун концерт. 14.00 — Терим агрегатлари мавсумга шай. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.35 — Концерт. 18.15 — Ешлик. 19.30 — Спорт программаси. 20.25 — «Беш қарсак» халқ ансамблининг қатнашчилари ижро этади. 21.00 — Табассум (такроран эшиттириш) 22.30 — Нефть ва газ саноати ходимлари учун концерт. 23.15 — Дам олиш концерти.

3 СЕНТЯБРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Совет турмуш тарзи. 9.30 — Тинчлик ҳақида қўшиқлар. 10.15 — Журналистларнинг халқаро Тошкент семинари. Ўзбекистон ССР Журналистлар союзининг раиси З. И. Есенбоев сўзи. 12.10 Узбекистан индустриальний. 13.00 — Партия қарорлари — ҳаётга! 13.30 — «Мелодия» чолғу ансамбли ижро этади. 14.00 — Дўстлик масофа билмас. 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.50 — Ешлик. 19.45 — Журналистларнинг халқаро семинарида. 20.25 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 20.50 — Пахтани машинада теришни илмий ташкил этишнинг иқтисодий самаралари. 21.00 — Китоб ва китобхон. 21.20 — Механизаторлар учун концерт. 22.28 — Э. Охунова шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР 50 ИЙЛЛИГИ НОМЛИ ФРЯЗИНО ЗАВОДИ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ БЎЙИЧА

«ЭЛЕКТРОНИКА Б3—37»

ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ

Бу машина ёрдамида бир неча дақиқа ичида 28 хил автоматик операцияларни бажариш мумкин: қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, доимий операциялар, натурал ва ўнликлар логарифмлари ва антилогарифмларини ҳисоблаб чиқариш, тригонометрик ва тескари функциялар, илдиздан чиқариш, исталган даражага кўтариш, хотирали операциялар, соннинг тескари катталиги кўрсатмали функцияларини ҳисоблаб чиқариш.

Бу машина қуруқ элементлардан ва машина комплектига кирган озиқланиш блокидан қувват олиб ишлайди.

Габаритлари: 155x78x28 мм.
Баҳоси — 180 сўм.
Гарантия — 18 ой.

Тайёрловчи завод: 141120. Москва область, Фрязино шаҳри.

СЕНТЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Сентябрь ойи одатда қуруқ ва иссиқ келади. Лекин Иттифоқимизнинг Европа қисмидан тез-тез келиб турадиган совуқ ҳаво оқими таъсирида ўртача ойлик ҳарорат август ойига нисбатан 5—7 даража паст бўлади.

Бу йил сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳароратнинг бир оз пасайиши, кечалари 7—12, кундузи 22—27 даража иссиқ бўлиши кутилади. Учинчи декадада кечалари 5—10, 11—16, кундузи 20—25, 26—31 даража атрофида ўзгариб туради.

Умумий ойлик ҳарорат 17—22 даража атрофида бўлиши кутилади. Ой давомида ёғингарчилик бўлмайди, фақат тоғлиқ районларда вақти-вақти билан қисқа муддатли ёмғир ёғади.

Л. ОБРУКИНА,
САРНИГМИнинг катта синоптик инженери.

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/IX да **Аловиддининг сеҳрли чироғи** (12.00), **Спартак** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IX да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Инқилоб тонги** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ БИНОСИДА Ғ. КАМОЛ НОМИДАГИ ТАТАР ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ — 2/IX да **Сўнган юлдузлар** (12.00), 3/IX да **Алдармиш қишлоғилик чол.**

ДЕЛЕГАТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ II СЪЕЗДИ

5 сентябрь соат 11.00 да «Ўзбекбирлашув»нинг мажлислар залида
(Ўзбекистон кўчаси, 45-уй)

ОЧИЛАДИ

Делегатлар 4 сентябрь соат 10.00 дан 20.00 гача Республика правлениесида ва 5 сентябрь соат 9.00 дан бошлаб «Ўзбекбирлашув»нинг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ (Т. Шевченко кўчаси 28-уй) ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН **6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ўқишга кирувчилар формали кийим-бош ва 60 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Шаҳар электр транспортларида бепул юриш ҳуқуқи берилади.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, Улуг Ватан уруши қатнашчиси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, техникумнинг собиқ директори

Ғани Азизович АЗИЗОВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР партия гурмуши — 33-34-69 32-53-97 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. 03109. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 202.